


**«ASIA ALLIANCE BANK»
АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИ**

**«ASIA ALLIANCE BANK»
АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИНИНГ
ФАОЛИЯТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА КЕНГАЙТИРИШ
БЎЙИЧА 2017 йилга**

БИЗНЕС-РЕЖАСИ



***«ASIA ALLIANCE BANK» АТБ КЕНГАШИНИНГ ҚАРОРИ БИЛАН ТАСДИҚЛАНГАН
(30.11.2016 йилдаги К-76-сонли баённома)***

Мундарижа

КИРИШ	2
ЖОРИЙ ВАЗИЯТ ТАҲЛИЛИ ВА «ASIA ALLIANCE BANK» ИСТИҚБОЛИ	3
Макроиқтисодий тенденциялар	3
Ўзбекистон банк сектори	5
Асосий воқеалар ва банкнинг жорий фаолияти	7
Банкнинг бозордаги мавқеи	8
БИЗНЕСНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ	10
Кредит фаолияти	10
Инвестиция ва эмиссия фаолияти	12
Банклараро ва валюта бозорларидаги амалиётлари	12
Вакиллик муносабатлари ва халқаро фаолият	13
Хизмат кўрсатиш тармоғини ривожлантириш ва корпоратив мижозлар	15
Ички назорат тизими	19
Банк ходимларини камол топтириш	21
МОЛИЯВИЙ РЕЖАЛАШТИРИШ	22
Иловалар	
Истиқбол баланси	
Даромадлар ва харажатлар тўғрисида истиқбол ҳисоботи	

КИРИШ

Мазкур Бизнес-режа «ASIA ALLIANCE BANK» АТБ томонидан 2017 йилда амалга ошириладиган тадбирларни ҳамда 2017 йил молиявий режасини ўз ичига олган.

«ASIA ALLIANCE BANK» акциядорлик тижорат банки (кейинги ўринларда матн бўйича - банк) 2009 йилнинг август ойида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 24.04.1997 й.даги ПФ-1749-сонли “Хусусий тижорат банклари ташкил этилишини раҳбатлантириш тўғрисида”ги фармонида мувофиқ ташкил этилган. Банк ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг 15.08.2014 йилдаги 79-сонли ва 20.09.2014 йилдаги 69-сонли лицензиялари асосида фаолият юритади. Банкнинг Бош офиси қуйидаги манзилда жойлашган: Тараққиёт кўчаси, 2А, 100047, Тошкент ш., Ўзбекистон.

Банк Ўзбекистон банклари Ассоциацияси, Фуқароларнинг банклардаги омонатларинини кафолатлаш жамғармаси, Ўзбекистон Республикаси валюта биржаси аъзоси ҳамда VISA International Халқаро ташкилотининг ассоциацияланган аъзоси ҳисобланади.

Moody’s Investors Service Халқаро рейтинг агентлиги томонидан банкка узоқ муддатли шкала бўйича В3 рейтингига мос келадиган Е+ молиявий баракдорлик рейтинги берилган. Шунингдек миллий ва хорижий валютадаги депозитларнинг узоқ муддатли ва қисқа муддатли рейтинглари глобал шкала бўйича В3/Not Prime сифатида баҳоланган. Банкнинг барча рейтинглари “Барқарор” истиқболига эга. Банк шунингдек маҳаллий “Ahbor-Reyting” рейтинг агентлиги томонидан кредит бўйича “Барқарор” истиқболи билан берилган “uzA+” рейтингини олган.

ЖОРИЙ ВАЗИЯТ ТАҲЛИЛИ ВА «ASIA ALLIANCE BANK» ИСТИҚБОЛИ

Макроиқтисодий тамойиллар

Олиб борилаётган мўтадил макроиқтисоий ва фаол тузилмавий сиёсатларни давом эттирилиши, шунингдек иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларини изчил амалга оширилиши натижасида 2016 йилда барқарор иқтисодий ўсиш сақлаб қолинди.

Республика ялпи ички маҳсулотининг ҳажми 2016 йилнинг 9 ойлик яқунлари бўйича 2015 йилнинг ана шу даврига нисбатан 7,8 фоизга ўсди (2015 йилнинг 9 ойида - 8 фоиз). Иқтисодий ўсишнинг юксак суръатларига ташқи савдо айланмасининг ижобий сальдоси, Давлат бюджетининг 0,1 фоиз миқдордаги профицити ва инфляцияланинг 2,2 фоизни ташкил этувчи паст даражаси билан белгиланувчи макроиқтисодий мувозанатини сақланган ҳолда эришилди.

Фаол инвестиция сиёсатини амалга ошириш сабабли тузилмавий ўзгартиришлар жараёнини чуқурлаштириш, саноатни модернизация қилиш ва диверсификациялаш имкони яратилди, бу эса ўзлаштирилган капитал қуйилмалар ҳажмининг 9,4 фоизга ва пудрат асосидаги қурилиш ишларини 15 фоизга ўсишини таъминлади.

Ўзбекистоннинг асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари

Кўрсаткичлар	Ўсиш суръати, 2015 йилнинг шу давrigа нисбатан % ҳисобида
Ялпи ички маҳсулот	107,8
Саноат	107,2
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	106,4
Асосий капиталга инвестициялар	109,9
Хизматлар, жами	112,4
Қурилиш ишлари	118,7
Чакана савдо айланмаси	114,2
Асосий инвестициялар ҳажми	109,4

Манба: ЎзР Давлат статистика қўмитаси

2016 йилнинг 9 оyi давомида саноат маҳсулоти ўсишининг асосий қисми қайта ишлаш саноати тармоқлари томонидан таъминланди, уларнинг саноат маҳсулотларидаги уларнинг улуши 2015 йилнинг шу давридаги 78,2 фоиздан 79,7 фоизга ошди.

Саноат маҳсулотларининг юқори ўсиш суръатларига хомашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш асосида товар ишлаб чиқарадиган тармоқларда эришилди. Хусусан, тўқимачилик буюмлари, кийим ва чарм маҳсулотлари ишлаб чиқариш 114,8 фоиз, озиқ-овқат маҳсулотлари 113,7 фоиз, фармацевтика маҳсулот ва препаратлари 123,7 фоиз, кимё маҳсулотлари, резина ва пластмасса буюмлари 134,1 фоиз, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш 112,9 фоизга ошди.

Йил бошидан буён Инвестиция дастури доирасида умумий қиймати 3,7 миллиард долларлик 100 йирик ишлаб чиқариш объекти ишга туширилди.

Жумладан, «Жиззах вилоятидаги цемент заводини кенгайтириш», «ЖМ Ўзбекистон» акциядорлик жамиятида «Т-250» русумидаги енгил автомобиллар ишлаб чиқаришни ташкил қилиш», «Талимаржон ИЭСда 450 МВт қувватли иккита буғ-газ турбинаси қуриш», «Ангрен ИЭСда кўмир кукунидан фойдаланишга мўлжалланган 150 МВт қувватли энергия блоки қуриш», «Индорама Кўқон текстиль» хорижий корхонасида йигирув корхонаси ташкил этиш (IV-босқич)», «Сирдарё вилоятидаги «Guliston Med Technika» қўшма корхонасида стерил шприцлар ишлаб чиқариш" ва бошқа лойиҳалар шулар жумласидандир.

Бундан ташқари, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ҳудудий дастурлари доирасида ўтган давр мобайнида қарийб 22 минг лойиҳа, жумладан, саноат соҳасида 3195 корхонада янги қувватларни ишга тушириш, 162 корхонада янги фаолият турларини йўлга қўйиш, 264 корхонани модернизация қилиш ва 653 корхонанинг ишлаб чиқариш қувватини кенгайтиришни ўз ичига олган 4274 лойиҳа амалга оширилди. Ушбу лойиҳаларни амалга оширишда йил бошидан буён 2,65 миллиард долларлик хорижий инвестиция ва кредитлар ўзлаштирилди, ўсиш суръати ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 11,2 фоизни ташкил қилди. Бу маблағларнинг 1,8 миллиард доллардан ортиғи тўғридан-тўғри хорижий инвестициялардир. Натижада ўзлаштирилган инвестициялар умумий ҳажмида хорижий сармоялар улуши 21,1 фоиздан 22,3 фоизга етди.

Жаҳон иқтисодиётида инқироз ҳолатлари ҳамон сақланиб турган ва жаҳон бозоридаги нархлар экспорт салоҳиятига салбий таъсир кўрсатаётган бир шароитда юртимиз экспортчиларининг ташқи бозордаги ўрнини сақлаш мақсадида хорижга маҳсулот етказиб бериш ҳажмини кўпайтириш, экспорт қилинадиган маҳсулотлар тури ва географиясини диверсификация қилиш, экспорт фаолиятига янги корхоналарни жалб этиш ишлари давом эттирилди.

Йил бошидан буён яна 835 корхона экспорт фаолиятига жалб этилди, 246 турдаги янги маҳсулот экспорти йўлга қўйилди. Маҳаллий маҳсулотларни четга етказиш географияси 52 та янги бозорга кўпайди.

Бунинг самарасида шу йилнинг тўққиз ойи яқунларига кўра, товар ва хизматлар экспорт ҳажми 2015 йилнинг шу даврига нисбатан 1,4 фоиз ўсди. Полиэтилен, трикотаж полотно, ип газлама, фармацевтика препаратлари ва тиббиёт буюмлари, молибден, вольфрам маҳсулотлари, аммофос, кальцийлаштирилган сода, юк автомобиллари ва юқори қўшимча қийматга эга бошқа маҳсулотларни экспорт қилиш ҳажми ошди.

Бунинг самарасида шу йилнинг тўққиз ойи яқунларига кўра, товар ва хизматлар экспорт ҳажми 2015 йилнинг шу даврига нисбатан 1,4 фоиз ўсди. Полиэтилен, трикотаж полотно, ип газлама, фармацевтика препаратлари ва тиббиёт буюмлари, молибден, вольфрам маҳсулотлари, аммофос, кальцийлаштирилган сода, юк автомобиллари ва юқори қўшимча қийматга эга бошқа маҳсулотларни экспорт қилиш ҳажми ошди.

Ўзбекистон банк сектори

Тижорат банкларининг ялпи капитали 2016 йилнинг 1 октябрь ҳолатига 8,9 трлн. сўмдан ошиб кетди. Бу эса ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ўсиш 22,8 фоизни ташкил этганлигини кўрсатади. Банк тизими капиталининг етарлилик даражаси белгиланган халқаро меёрлардан 3 марта кўп, жорий ликвидлик эса - талаб этиладиган энг кам даражадан 2 марта ортиқ. Банкларнинг жами активлари ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 22,5 фоизга ўсиб, 76,7 трлн. сўмни ташкил этди.

Тижорат банклари молиявий барқарорлигининг мустаҳкамланиши уларга кредитга лаёқатлилиги бўйича халқаро рейтинг баҳоларини беришга ижобий таъсир кўрсатмоқда. «Moody's» халқаро рейтинг агентлиги Ўзбекистон банк тизимининг ривожланиш истиқболига етти йилдан бери муттасил “Барқарор” рейтинг баҳосини бермоқда. Ўзбекистон банк тизимининг фаолияти шунингдек «Standard & Poor's» ва «Fitch Ratings» рейтинг агентликлари томонидан ҳам ижобий баҳоланмоқда. Бинобарин, мамлакатимизнинг барча банкларига халқаро рейтинг агентликларининг “катта учлиги” томонидан “барқарор” баҳоси берилди.

Жорий йилнинг устувор иқтисодий вазифалариданк елиб чиқиб, банклар томонидан юқори технологияга асосланган замонавий объектларни ва қувватларни ишга тушириш; саноат тармоғида ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш борасида кенг миқёсли ишлар олиб борилмоқда.

Жумладан, ҳисобот даврида иқтисодиётнинг базавий тармоқларига йўналтирилган кредитларнинг умумий ҳажми ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 25,7 фоизга ўсди ва бугунги кунга келиб 50,7 трлн. сўмни ташкил этмоқда.

Ўтган йилнинг шу даврига нисбатан инвестиция кредитларининг ҳажми 1,2 мартадан ортиқ ошди ва 2016 йилнинг 1 октябрь ҳолатига 9,4 трлн. сўмни ташкил этди.

Кичик бизнесни ривожлантиришга, қулай ишчанлик муҳитини яратишга ва тадбиркорликка янада кенг эркинликлар беришга қаратилган директив ҳужжатларни бажариш борасида, кичик бизнес субъектларига ажратилган кредитлар ҳажми 2015 йилнинг шу даврига нисбатан 1,3 марта ўсди ва жорий йилнинг 1 октябрь ҳолатига 12,6 трлн. сўмни ташкил этмоқда, бу эса ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 1,3 баравар кўпдир.

Хотин-қизлар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш учун ажратилган кредитлар ҳажми ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 31 фоизга ўсди ва 1,3 трлн. сўмни ташкил этди.

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимиз банк тизимини ислоҳ қилиш ва либераллаштириш бўйича эришилган ютуқлар Жаҳон банки ва Халқаро молия корпорациясининг ҳар йили чиқадиган «Doing Business-2016» таҳлилий шарҳларида ҳам ўз ифодасини топди. Сўнги маълумотларга кўра, ўтган охириги уч йил давомида кредитлаштириш бўйича Ўзбекистон рейтинги бирданига 112 поғонага кўтарилиб, аввалги 154 ўрндан 42 ўринга сурилди.

Шунингдек Ўзбекистоннинг кредит ахбороти алмашуви индекси бўйича кўрсаткичлари 8 балли шкала бўйича 7 баллга баҳоланди ва бу кўрсаткич Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотига (ИХТТ) аъзо бўлган айрим мамлакатларнинг кўрсаткичларидан юқори натижадир.

Мамлакатимиз банкларининг барқарор ҳолати, уларга нисбатан ишончининг ортиб бораётганлиги, шунингдек аҳоли реал даромадларининг ўсиши фуқароларнинг ва хўжалик юритувчи субъектларнинг бўш пул маблағларини банк депозитларига жалб этишнинг мустаҳкам асоси бўлмоқда. Бунинг натижасида банкларнинг ресурс базаси изчил кўпайиб борапти. 2016 йилнинг 9 ойи давомида депозитлар ҳажми 27,5 фоизга ошди ва 01.10.2016 йил ҳолатига 43,2 трлн. сўмни ташкил этмоқда.

Ҳисобот даврида молиявий хизматлар тузилмасида банкларнинг улуши 88 фоизни ташкил этди ва бу кўрсаткич 2015 йилнинг шу даврига нисбатан 1,2 марта ўсди. Бу тадбиркорлик субъектларига ва аҳолига кўрсатилаётган банк хизматларини енгайтириш ва сифатини ошириш бўйича амага оширилаётган мақсадли чора тадбирларнинг яққол ифодаси ҳисобланади.

Таъкидлаш жоизки, нақдсиз тўловларни янада ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда, буни муомалага чиқарилаётган пластик карточкалар сонининг интенсив ўсиши намоён эти турибди. 01.10.2016 йил ҳолатига республикада 18,9 млн.дан ортиқ пластик карточкалар эмиссия қилинган, савдо шаҳобчаларида ўрнатилган терминалларнинг сони эса 203,4 минг донага етди. Пластик карталар бўйича амалиётлар ҳажми 36,9 трлн сўмни ташкил этиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 1,3 марта ўсди.

Ўзбекистон банк секторининг бир маромда ўсиш суръатлари, банклар капиталлашувининг мустаҳкамланиши ва молиявий барқарорлиги, банкларнинг мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини мустаҳкамлашдаги ўрни 2017 йилда ҳам сақланиб қолиши учун барча асослар мавжуд.

Асосий воқеалар ва банкнинг жорий фаолияти

2016 йилда банк фаолиятни ривожлантириш ва кегайтириш бўйича, ўзининг дунё банк ҳамжамиятида обрў-эътиборини мустаҳкамлаш бўйича, филиаллар тармоғини ривожлантириш ва банк хизматлари сифатини юкслатириш бўйича олиб борилаётган ишлар изчил давом эттирилди.

«ASIA ALLIANCE BANK» АТБ нинг Осиё-Тинч океани минтақасидаги ривожланаётган бозорлар ичида «GLOBAL FINANCE» журналининг нақли бўйича кетма-кет уч йилдан бери Ўзбекистоннинг энг яхши банки деб эътироф этилаётганини 2016 йилнинг энг муҳим воқеаси деб аташ мумкин.

Банк хизматини кўрсатиш сифатини яхшилаш соҳасидаги ютуқлари ва миллий банк кўргазмаларида ҳамда танловларида фаол иштирок этгани учун банк банк ҳамжамиятларининг ва шерик-банкларнинг дипломлари ва мукофотлари билан тақдирланди.

Банкнинг 2016 йилдаги фаолиятининг асосий воқеалари хроникаси

Январь 2016 йил	Банк «GLOBAL FINANCE» журналининг нақли бўйича савдони молиялаштириш соҳасида Ўзбекистондаги энг яхши банк деб эътироф этилди.
Январь 2016 йил	Банк 2015 йил натижаларига кўра “Онлайн режимида авиачипталарни сотиб олиш” инновация маҳсулоти учун Ўзбекистон Республикаси банклари орасида аҳоли омонатларини жалб этиш бўйича “Аҳоли учун энг яхши инновация маҳсулоти” номинацияси танлови ғолиби бўлди.
Февраль 2016 йил	Moody’s Investor Service рейтинг агентлиги «ASIA ALLIANCE BANK» АТБ нинг халқаро кредит рейтингини “барқарор” истиқболли эканини тасдиқлади.
Апрель 2016 йил	«ASIA ALLIANCE BANK» Осиё-Тинч океани минтақасидаги ривожланаётган бозорлар ичида «GLOBAL FINANCE» журналининг нақли бўйича кетма-кет уч йилдан бери Ўзбекистоннинг энг яхши банки деб эътироф этилди.
Апрель 2016 йил	Банк “Минтақаларда фаолиятни ривожлантириш бўйича энг яхши банк” ва “Энг яхши реклама компанияси” номинацияларида BANKEXPO 2016 Банк хизматлари, ускуналари ва технологиялари Миллий кўргазмасида ғолиб деб топилди.
Май 2016 йил	Банкнинг Бухоро филиали очилди.
Июль 2016 йил	Банк «Euromoney» нуфузли халқаро молия журнали нақли бўйича Ўзбекистондаги энг яхши банк деб топилди ва “Ажойиб ютуқлари учун” (Awards for Excellence 2016) мукофотини олди.
Сентябрь 2016 йил	«ASIA ALLIANCE BANK» янги авлодга мансуб Thomson Reuters компаниясининг «FX TRADING» савдо платформаси ва «EIKON» ахборот-таҳлилий платформаси фойдаланувчисига айланди.
Октябрь 2016 йил	Банк томонидан мижозлар бир пластик карточкадан бошқасига миллий валютадаги пул маблағларини «Payme» ва «CLICK» тўлов воситалари ёрдамида ўтказиш имкнини берувчи сервис йўлга қўйилди.
Ноябрь 2016 йил	Банкнинг Самарқанд филиали очилди.

Банкнинг бозордаги мавқеи

«ASIA ALLIANCE BANK» АТБ нинг 2017 йилдаги 9 ойлик фаолияти кўрсаткичларнинг барқарор ва мўътадил кўтарилиб боришига, шунингдек банкнинг рақобатбардошигининг оширилишига қаратилди. Банк активлари 2015 йилнинг 9 ойидагига нисбатан 14 фоизга, кредит портфели 48 фоизга, депозитлар 15 фоизга, ялпи капитал 16 фоизга ўсди. Банк фойда келтирувчи даромадлар бўйича ўз мавқеини мустақалашга эришди, жумладан, кредит портфелининг ҳажмига кўра банк банклар ичида 13-ўринни (2015 йил натижалари бўйича 14-ўрин), инфестиция портфелининг ажмига кўра 11 ўринни (14) эгаллади.

«ASIA ALLIANCE BANK» АТБ нинг бозордаги мавқеи (01.10.2016 йил ҳолатига)

Кўрсаткичлар	млн. сўмда	Банк мавқеи
Ялпи активлар	1 057 708	16
Кредит портфели (соф)	586 110	13
Мижозлар депозитлари	712 050	16
Акциядорлик капитали	210 459	13

Банкни ривожлантиришнинг асосий устуворликларига риоя этган ҳолда, банк банк тармоғини кенгайтиришни давом эттирди, янго банк хизматларини ва технологияларини жорий этди, миждозларга хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш борасида фаол иш олиб борди. Хусусан, 2016 йилда Бухоро ва Самарақанд шаҳарларида филиаллар очилди. Ҳизирги кунда банкда 7 та филиал, 13 та минибанк ва 13 та махсус касса шахобчалари фаолият кўрсатмоқда.

Корпоратив миждозларга хизмат кўрсатишни ривожлантириш дастури доирасида корпоратив миждозлар базасини кенгайтириш, миждозларга хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш, уларнинг бўш пул маблағларини жалб этиш бўйича муайян ютуқлар қўлга киритилди. 2016 йилнинг 1 октябрь ҳолтига банк депозитларидаги миждозлар пул маблағларининг қолдиғи 712 млрд. сўмни ташкил этиб, банк корпоратив миждозларининг сони 4,5 мингдан ошиб кетди.

Таъкидлаш жоизки, банк корхоналарнинг ва аҳолининг бўш пул маблағларини муддатли депозитларга жалб этиш ҳамда банкнинг депозит сертификатларини сотиш ҳисобига муддатли ресурс базасини кенгайтириш бўйича юқори натижалар қўлга киритилди. 2016 йилнинг 1 октябрь ҳолтига муддатли ва омонат депозитларининг қолиғи 175 млрд. сўдан ошиб кетди, сотилган депозит сертификатларининг ҳажми 88 млрд. сўмни ташкил этди.

Банкнинг барқарор ва турғун ривожланишини таъминлаш мақсадида банкнинг капитал базасини кенгайтиришга алоҳида эътибор ажратилмоқда. Хусусан, 2016 йилнинг 1 октябрь ҳолтига банкнинг ўз капитали 210 млрд. сўни ташкил этди. Банк бошқа банклар ўртасида 13 ўринни эгалаб турибди, бошқача айтганда, давлат ва йирик акциядорлик банкларидан орқада қолган, халос.

Ўтган давр мобайнида банк томонидан чакана хизматларни ривожлантириш ва банк бизнесида чакана хизматлар соҳасининг ўрнини кегайтириш бўйича яхши натижалар қўлга киритилди. 2016 йилнинг 1 октябрь ҳолтига аҳоли учун миллий валютадаги муддатли ва омонат жамғармаларининг 12 тури, хоржий валютадаги жамғармаларнинг 5 тури таклиф этилган. Аҳолининг банкдаги жамғармалари қолдиғи 70,3 млрд. сўмни ташкил этиб, 64 фоиз ўсишга эришилди. Жисмоний шахсларнинг халқоро пул ўтказмаларини ривожлантириш бўйича фаол иш олиб борилмоқда. Бугунги кунда банкда халқоро пул ўтказмалари бўйича 6 тизим орқали хизмат кўрсатилмоқда.

Шунингдек миллий валютадаги пластик карталари ҳамда халқоро валюта карталари билан банк операцияларини кенгайтириш чоралари кўрилмоқда. Бугунги кунга келиб муомалага чиқарилган пластик карточкаларнинг сони 112,6 минг дондан иборат, бу соҳадаги ўсиш 2015 йилнинг шу даврига нисбатан 56 фоизни ташкил этди. Картачларнинг асосий қисмини иш ҳақи лойиҳаси бўйича иқарилган пластик карталар ташкил этади. Ўрнатилган терминалларнинг сони 2223 дондан иборат.

Банкнинг молиявий барқарорлигини банк фаолиятининг миллий ва халқоро шкала бўйича рейтинг баҳолари тасдиқлайди, бу борада рейтинг агентликлари томонидан мунтазам монитроинг ўтказилиб турилибди. Жумладан, банк “Moody’s Investors Service” рейтинг агентлиги томонидан B3/NP/E+ глобал шакаласи бўйича “Бақарор” истиқболи билан берилган баҳони сақлаб келмоқда. Шунингдек, “Ахбор-Рестинг” РА томонидан банкка миллий шкала бўйича “UzA+” рейтинги “Бақарор” истиқболи билан берилди.

Банк қўлга киритилган рақобатбардошлик мавқеини тобора мустаҳкамлаш билан бир қаторда янги, беқиёс рақобатбардошлик устуворликларини яратмоқда.

Банк ўзининг кучли жиҳатларига эга, бу айниқса активларнинг юқори сифатли эканлиги ва банк тараккалчилигини назорат қилишнинг самарали тизими, истиқболли корпоратив мижозлар базаси, мижозларга кўрсатилаётган хизматларнинг тезкор қарорлар қабул қилишга ва мижозлар билан эпчил муносабатларга асосланган юқори сифати, юқори рентабеллик кўрсаткичлари билан белгиланадиган банк фаолиятининг юксак самарадорлиги ҳамда амалиёт харажаларининг паст даражада эканлигида, банк мамлакатдаги ва халқоро банк ҳамжамиятларида ижобий обрў эътибор қозанаётганлигида ўз ифодасини топмоқда.

Айни вақтда банк фаолиятининг келгусида ҳам муваффақиятли ривожланиб бориши активларнинг юксак сифатини мустаҳкамлаш, кредит портфели диверсификациясини янада яхшилаш, сотув тармоқларини кегайтириш ва банкнинг чакана хизматлар бозоридаги мавқеини мустаҳкамлаш, бизнес-жараёнларни такомиллаштириш ва оптималлаштириш орқали банкнинг рақобатбардошлигини ошириш каби фаолиятимизнинг барқарор ўсиб боришини таъминлайдиган вазифаларнинг ҳал этилишига боғлиқ.

БИЗНЕСНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

2017 йилда банк фаолияти тижорат банклари олдига қўйилган қуйидаги устувор вазифаларни ҳал этишга йўналтирилади:

- молиявий барқарорликни халқаро меёрлар ва стандартларга мувофиқ ўстириб бориш;

- инвестиция фаолиятини ва банкнинг капиталлашув даражасини кучайтириш;

- банкнинг кичик бизнесни ва хусусий тадбиркорликни молиявий қўллаб-қувватлашдвги иштирокини янада кенгайтириш;

- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг лойиҳаларини молиялаштирилишини кўпайтириш мақсадида халқаро молия институтларининг кредит линияларини жалб этиш ва ўзлаштирилишини янада кенгайтириш;

- ресурс базасини мустаҳкамлаш, жамғармаларнинг ҳамда депозитларнинг янги жозибадор турларини жорий этиш, шунингдек қарз мажбуриятларини чифқариш орқали аҳолининг ва хўжалик юритувчи субъектларнинг бўш пул маблағларини банк айланмасига кенг жалб этиш;

- кўрсатилаётган банк хизматларининг ранг-баранглиги ва сифатини илғор ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш, шунингдек электрон тижоратни ривожлантириш ва банк пластик карточкаларидан фойдаланган ҳолда нақд пулсиз ҳисоб-китоб тизимини кенгайтириш йўли билан кўрсатилаётган банк хизматларининг ранг-баранглиги ва сифатини кенгайтириш;

- иқтисодиётнинг истиқболли тармоқларидаги, шу жумладан хизмат кўрсатиш ва туризм, саноат, қурилиш соҳаларидаги бозорнинг янги бўғимларини ўзлаштириш, мамлакатнинг эркин иқтисодий ҳудудларида фаолият юритаётган корхоналарни молиялаштиришда иштирок этиш;

- рейтинг даражасини кўтариш, корпоратив бошқарув услубларини такомиллаштириш, банк активларини шакллантириш ва мустаҳкамлашнинг илғор услубларини жорий этиш, жумладан, Акциядорлик жамиятларининг фаолияти самарадорлигини ошириш ва корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш Комиссияси томонидан тасдиқланган Корпоратив бошқарув Кодексининг тавсияларини жорий этиш орқали банкнинг нуфузини ва инвестицион жозибадорлигини юксалтириш;

- бизнес жараёнларни автоматлаштириш ва банк маҳсулотларини стандартлаштириш, шунингдек бошқарув ҳисоботлари ва таҳлилий ечимлар тизимини жорий этиш йўли билан банкнинг таркибий тузилмаси бўлинмаларининг ишини такомиллаштириш ва оптималлаштириш.

Кредит фаолияти

2017 йилда кредит фаолиятини сифат жиҳатидан янада ривожланишини таъминлаш ва кредит портфели ҳаамда унинг таркиби бўйича миқдорий кўрсаткичларга эришиш бўйича бир қатор муҳим ишларни амалга ошириш режалаштирилмоқда.

Кредит ажратиш ҳажми 2017 йилга 605 млрд. сўм миқдоридан режалаштирилмоқда. Кредит портфелининг қолдиғи (брутто) 2017 йилнинг

охирига келиб 904 млрд. сўмни ташкил этади. Кредит портфелининг ялпи активларга нисбати 59 фоизни ташкил этади (2018 йил 1 январь ҳолатига), бу кўрсаткич 2016 йилнинг 1 октябрь ҳолатига 56 фоиздан иборат бўлган эди. Эҳтимолдаги зарарларга қарши заҳира қолдиғи 10,5 млрд. сўм миқдоридан режалаштирилмоқда, бу эса кредит портфели умумий ҳажмининг 1,2 фоизини ташкил этади.

2017 йилнинг охирига қадар узоқ муддатли кредитлар (лизинг) портфелини 800 млрд. сўмгача кўпайтириш кўзда тутилмоқда уларнинг кредит портфелидаги улуши 88 фоизни ташкил этади. Узоқ муддатли инвестиция кредитлари портфели салмоғини ошириш барқарор фоиз тушумлари манбаини яратиш имконини беради.

Кўрсаткичлар	01.01.2018 й. га режа млн. сўм
Кредит портфелининг қолдиғи (брутто), шу жумладан:	904 397
қисқа муддатли кредитлар	104 517
узоқ муддатли кредитлар	799 879
Эҳтимолдаги йўқотишлар учун заҳира	10 531
Кредит портфелининг соф қолдиғи	893 865
Эҳтимолдаги зарар заҳираси/кредит портфели, брутто	1,16%

Филиаллар томионидан кичик ва хусусий бизнес корхоналарини кредитлаштиришни ривожлантириш доирасида салоҳиятли қатламларни ҳамда миқдорлар бизнесининг муваффақиятли ривожланаётган йўналишларини фаол ўрганиш ва уларга кредит ажратиш ишлари давом эттирилади. Банкдаги кредитлаштириш жараёнини, хусусан филиалларнинг Бош офис билан ўзаро биргаликдаги ҳаракатларини такомиллаштириш мақсадида филиалларга юридик шахсларнинг ўртача кредит лойиҳаларини филиалнинг ҳамда минтақанинг салоҳиятини ҳисобга олган кредитлаш юзасидан лимитлар ўрнатиш мўлжалланмоқда.

Банк томонидан бозорнинг янги бўғимларини ўрганиш, шунингдек йирик инвестиция лойиҳаларини, хусусан, эркин иқтисодий минтақалар лойиҳаларини молиялаштириш ишлари ўтказилади.

Шунингдек, таълим муассасаларини битирган ёш тадбиркорларнинг, оилавий тадбиркорлик субъектларининг, шунингдек мамлакатимизнинг иқтисодий салоҳиятини оширишга хизмат қиладиган ижтимоий жиҳатдан муҳим аҳамиятга эга бошқа истиқболли лойиҳаларини молиялаштиришга алоҳида эътибор қаратилади.

Кичик бизнес корхоналарининг узоқ муддатли истиқболли лойиҳаларини молиялаштириш манбалари бўлиб, банкнинг ўз кредит ресурслари, халқаро молия институтларининг, хусусан Хусусий секторни ривожлантириш бўйича Ислон корпорациясининг кредит линиялари хизмат қилади.

Банк томонидан кредит портфелининг мос равишда диверсификацияланишини таъминлаш чоралари кўрилади. Чакана кредитлашни кенгайтириш доирасида банк томонидан чакана кредитлар портфелини камида

16 млрд сўмга ёки банк кредит портфели ялпи ҳажмининг 2 фоизи миқдорда кўпайтириш режалаштирилмоқда. Жисмоний шахсларга бериладиган кредитларнинг асосий қисмини истеъмом кредитлари ташкил этади. Чакана кредит маҳсулотларини оммавий тарзда илгари суриш мақсадида реклама акцияларини ўтказиш, корпоратив мижозларнинг меҳнат жамоаларида кредит маҳсулотлари тақдиротиини ўтказиш, маҳаллий товарлар ва хизматлар истеъмомчилари билан истеъмом кредитларини тақдим этиш борасида музокаралар уюштириш мўлажалланмоқда.

Банк юзага келган бозор конъюнктурасини ҳисобга олган ҳолда кредитларнинг даромадлигининг мос даражасини таъминлашни кўзда тутмоқда.

Келгуси йили банк томонидан кредитлаш жараёнида янги банк маҳсулотларини ва технологияларини энг яхши маҳаллий ва хорижий тажрибаларни ҳисобга олган ҳолда йўлга қўйиш бўйича ишларни давом эттириш режалаштирилмоқда.

Инвестиция ва эмиссия фаолияти

Банк инвестиция фаолиятини ўзининг истиқболли йўналишлардан бири деб ҳисоблайди ва 2017 йилда банкнинг инвестиция қўйилмаларини кўпайтириш бўйича бир қанча ишларни амалга оширишни, шунингдек инвестиция ресурсларининг сифатини кўтаришни режалаштирмоқда. Банк инвестиция қўйилмаларини киритган молия компанияларнинг фаолиятини кенгайтириш, айниқса шу компаниялар томонидан янада жоизбадор бозор бўғимларининг ўзлаштирилиши долзарб вазифалардан бири бўлиб турибди.

Келгуси йилда банкнинг қимматли қоғозлар бозоридаги маҳаллий қимматли қоғозлар бозоридаги биринчи синфга мансуб корпоратив эмитентларнинг инвестори сифатидаги иштирокини кенгайтириш, шунингдек банкнинг ана шу бозорнинг иккиламчи бўғимидаги иштирокини ошириш режалаштирилмоқда. «ABSOLUTE LEASING» МЧЖ ШК фаолиятини ривожлантириш стратегиясига мувофиқ шўъба лизинг компанияси фаолиятини ривожлантириш ва кенгайтиришга, шунингдек унинг фаолияти самарадорлигини оширишга йўналтирилган чора-тадбирлар мажмуи ишлаб чиқилади ва амалга оширилади.

Банкнинг эмиссиявий фаолияти 2017 йилда қарзга оид қимматли қоғозларни чиқариш ва сотиш орқали банкнинг узоқ муддатли ресурс базасини мустаҳкамлашга қаратилади. Хусусан, барқарор ресурс базасини мустаҳкамлаш учун депозит сертификатларининг навбатдаги чиқарилуви режалаштирилмоқда. Қимматли қоғозлар чиқарилиши банкка банкнинг заем ресурсларини кенгайтириш ва диверсификациялаш имкониятини яратиб бериши ҳамда банкнинг барча мижозларига (шу жумладан йирик бўлмаган мижозларга) ўз бўш пул маблағларини жойлаштиришнинг муқобил таклифини бериши зарур.

Банкларо ва валюта бозоридаги амалиётлар

2016 йилда замонавий инфратузилмани яратиш ва валюта ҳамда пул бозорларидаги фаолиятини ривожлантириш ва кенгайтириш учун жараёнларни шакллантириш бўйича банк томонидан изчил ишлар амалга оширилди. Хусусан, банк Thomson Reuters ахборот-савдо терминалларида уланди ва дунё банкларининг энг яхши котировкаларига реал вақт режимида бир зумда дохил

бўлиш ҳамда дилинг опреацияларини ўтказиш жараёнларини оптималлаштириш имкониятини қўлга киритди. «ASIA ALLIANCE BANK» АТБ тизимида бир турдаги валютани бошқа турдаги хорижий валютага алмаштириш опреацияларини бажариш тартиби тўғрисида”ги Низом ишлаб чиқилди ва амалда қўлланилмоқда.

Ушбу бозор иштирокчилари билан ҳамкорлик яхшиланиб бормоқда, шунингдек ишончилиги ҳамда нуфузи юқори банклар билан банклараро бозорда пул маблағларини жойлаштириш ва қарз олди-бердисини амалга ошириш бўйича ўзаро манфаатли муносабатлар мустаҳкамланмоқда.

Банкни ривожлантириш стратегиясига мувофиқ банклараро пул ва валюта бозорида банк операцияларини чуқурлаштириш доирасида келгуси йилда куйидаги тадбирларни амалга ошириш режалаштирилмоқда:

- конвертация, банкнот битимлари соҳасида мижозларга жозимбадор банк хизматларини таклиф қилиш, шунингдек, мижозларнинг форекс операцияларига қизиқишини кучайтириш бўйича турли маркетинг тадбирларини ўтказиш орқали хизматлар ҳажмини ва турларини кенгайтириш;

- пул ва валюта бозорларида банкнинг ишчан фаоллигини ошириш, шунингдек банкнинг таниқлилигини ошириш бўйича тадбирлар ўтказиш;

- пул ва валюта бозорлари инфратузилмасини ривожлантириш соҳасида молия бозорининг турли институтлари лойиҳаларида иштирок этиш ва улар билан ҳамкорлик қилиш;

- интеграллашган автоматлашган банк тизимида янги модулларни ишлаб чиқиш орқали дилинг операциялари жараёнларини такомиллаштириш, шунингдек жисмоний шахслар билан форекс операцияларини ўтказиш учун махсус мобил иловани ишлаб чиқиш;

- таҳлилий ишларда турли молиявий маълумотлар ва тадқиқотлардан фойдаланиш, шунингдек савдо ва ахборот терминалларининг рентабеллигини таъминлаш мақсадида Thomson Reuters Eikon иловалари кутубхонасини ўрганиш;

- бозор конъюнктураси ўзгаришига боғлиқ равишда бошқа тадбирларни ўтказиш.

Вакиллик муносабатлари ва халқаро фаолият

Халқаро фаолиятини кенгайтириш борасида банк томонидан 2016 йилда вакил банклар тармоғини кенгайтириш, халқаро молия институтлари билан кредит личиларини жалб этиш юзасидан алоқа ўрнатиш ва банкнинг халқаро кредит рейтингини мустаҳкамлаш бўйича муҳим ютуқларга эришилди.

Бугунги кунга келиб банк дунёнинг етакчи банклари билан, жумладан Landesbank Baden-Wurtemberg, Commerzbank AG (Германия), DBS (Сингапур), UBS (Швейцария), Kookmin Bank (Корея), Bank of China (Хитой), Agricultural Bank of China (Хитой) ва Промсвязьбанк (Россия) билан вакиллик муносабатлари ўрнатилган. 2016 йилнинг 1 декабрь холатида банкнинг вакиллик ҳисобварақларининг умумий сони 32 та Ностро ҳисобварағини ташкил, этиб улар тўртта маҳаллий ва ўнта хорижий банкларда очилган. Бундан ташқари Bank of New York Mellon (США), Raiffeisen Bank International AG (Австрия) ва Сбербанк (Россия) билан вакиллик муносабатларини ўрнатиш юзасидан музокаралар олиб борилмоқда.

Бугунги кунга қадар Хусусий секторни ривожлантириш Ислом секторининг (ХСРИС) хусусий сектор тадбиркорлари учун мўлжалланган иккита молиялаштириш линиялари ўзлаштирилди. 2017 йилда банк мижозларининг технологик ускуналарни сотиб олиш ва ишлаб чиқаришни модернизация қилишга оид инвестиция лойиҳалари бўйича имтиёзли шартлар асосида молиялаштиришнинг муқобил манбалари билан таъминлаш мақсадида ХСРИС билан навбатдаги келишув имзоланиши мўлжалланмоқда, бошқа халқаро молия институтлари билан музокаралар олиб борилмоқда. Хусусан, Германиянинг Commerzbank AG ва Landesbank Baden-Wurtemberg банклари билан лойиҳаларни молиялаштириш бўйича Хусусий Кредит Битимларини имзолаш режалаштирилмоқда.

Банклар билан вакиллик алоқаларини ўрнатишда шерикларнинг ишончлилиги, банк мижозларининг манфаатлари, халқаро ҳисоб-китобларнинг сифатлилиги ва тезкорлиги каби талабларнинг устуворлиги сақлаб қолинмоқда. Етиакчи банклар билан вакиллик алоқаларининг ўрнатилиши халқаро ҳисоб-китобларни ўтказиш, савдони молиялаштириш операцияларини, халқаро пул ўтказмалари хизматини ривожлантириш бўйича банк фаолиятини янада кенгайтириш, шунингдек банкнинг халқаро мақомини мустаҳкамлаш имкониятини яратди.

Турли хорижий ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиш жараёнида нуфузи Global Finance халқаро нашри кетма-кет уч йилдан бери (2014, 2015, 2016 й.) ASIA ALLIANCE BANK ни “Осиё-Тинч океани минтақасида ривожланаётган бозорларнинг дунёдаги энг яхши банклари” номинациясида Ўзбекистоннинг энг яхши банки деб эътироф этмоқда. бундан ташқари 2016 йилда банк халқаро молия журналлари ҳисобланмиш The Banker ва Euromoney томонидан Ўзбекистондаги энг яхши банк деб тан олинди.

Шунингдек банк халқаро рейтинг агентликлари билан ҳамкорлик ишларини олиб бормоқда. Ушбу тадбирлар доирасида 2016 йилнинг 8 июль куни Moody's Investors Service LTD томонидан банкнинг халқаро кредит рейтинги аввалги даражада тасдиқланди. бугунги кунда ана шу кредит рейтингини яхшилаш юзасидан зарур тадбирлар амалга оширилмоқда ва Moody's вакиллиари билан музокаралар олиб борилмоқда.

Вакил-банклар ва халқаро молия институтлари билан ҳамкорликни кенгайтириш ва чуқурлаштириш бундан кейин ҳам банк фаолиятини ривожлантиришнинг устувор йўналишларидан бири бўлиб қолади. Келгуси йилда вакил-банклар тармоқларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ва банкнинг халқаро фаолиятини ривожлантиришга, шунингдек банкнинг халқаро молия майдонидаги мақомини мустаҳкамлашга қаратилган қуйидаги тадбирлар белгиланган, жумладан:

- ҳар бир вакил-банкнинг рақобат бўйича афзал жиҳтларини ҳисобга олган ҳолда хорижий шерик банклар билан ҳужжатли, депозит, фореқ операциялари бўйича ўзаро манфаатли ва комплекс ҳамкорликни, шунингдек бошқа соҳалардаги ўзаро муносабатларни янада чуқурлаштириш;

- кичик бизнесни молиялаштириш учун узоқ муддатли кредит линияларини жалб этиш, шу жумладан ХСРИСнинг молиялаштириш линиялари ҳамда савдони молиялаштириш соҳалари маблағларини жалб этиш мақсадида хорижий банклар

ва халқаро молия институтлари билан ҳамкорлик ўрнатиш ва чуқурлаштириш бўйича ишларни давом эттириш;

- банкнинг ва банк ходимларининг хорижий банклар, халқаро молия институтлари, «The Banker», «Global Finance», «Euromoney» нашрлар ва оммавий ахборот воситалари томонидан ташкил этиладиган турли халқаро банк кўргазмаларида, анжуманларида, семинарларида, тажриба алмашувида ва танловларида иштирокини таъминлаш;

- банк кредит рейтингини мунтазам янгиланиб туришини таъминлаш мақсадида халқаро рейтинг агентликлари билан ҳамкорликни давом эттириш;

- банкнинг жозибadorлигини ошириш ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 21.12.2015 йилдаги ПҚ-2454-сонли “Акциядорлик жамиятларига хорижий инвесторларни жалб этиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори ижросини таъминлашга қаратилган тадбирларни ўтказиш, хусусан халқаро майдонда («road-show» каби) тақдимотини ўтказиш учун ҳужжатларни тайёрлаш ва иштирокини ташкил этиш, ХМК томонидан бериладиган техник ёрдамни жалб этиш имкониятларини ўрганиш.

Хизмат кўрсатиш тармоғини ривожлантириш ва корпоратив мижозлар

Банкнинг асосий стратегик вазифларидан бири банкнинг юқори самарали филиаллар тармоғини яратишдан иборат. Бу эса унинг пойтахтдаги бозор мавқеининг мустаҳкамланишига ва республика минтақаларида ўз фаолиятини кенгайтиришга мустаҳкам асос яратиб бериши зарур. Янги филиал бўлинмаларини ташкил этиш мижозлар базасининг мустаҳкамланиш, натижада банк инфратузилмасининг фойдаланувчиларнинг кенг қатламларига яқинлашиб бориши учун, шунингдек банк бизнесининг диверсификацияланиши учун хизмат қилади.

Бугунги кунда банкнинг тижорат тармоғи банкнинг Бош офисидаги Амалиёт бошқармасини, Шайхатоҳур, Олмазор, Мирзо Улуғбек, Миробод, Қарши, Бухоро ва Самарқанд филиалларини, 13 та мини-банкни ва 13 та махсус кассаларни ўз ичига олади. Минбанклар ва махсус кассалар йирик корпоратив мижозларнинг биноларида мижозларимиз ва ходимлар учун максимал қулайликлар яратиб бериш мақсадида очилган.

2017 йилда банкнинг яна иккита филиалини, хусусан Тошкент шаҳрида Чиолнзар филиалини ва Фарғона шаҳрида фарғона филиалини очиш мўлжалланмоқда. Бу эса филиаллар тармоғини ривожлантириш ва Ўзбекистон банк хизматлари бозорида банкимизнинг хизматларининг мижозларга максимал даражада яқинлигини таъминлаш имконини беради. Бу йўналишдаги ишлар банкнинг келгуси йиллар учун усувор вазифларидан бири бўлиб қолаверади.

Банкни ривожлантириш стратегияси доирасида филиаллар фаолиятининг самардорлигини мониторинг қилиш бўйича 2017 йилда банк филиаллари ходимларини рағбатлантириш ва мукофотлаш орқали рейтинг баҳолаш тизими самардорлигини юксалтириш ишлари давом эттирилади.

Банк филиаллари фаолиятининг барқарор ва сифатли ривожланиб боришини, уларнинг рақобатбардошлилигини ва мухториятини таъминлаш келгуси

йилда ҳам банк филиал тармоғини ривожлантириш соҳасидаги асосий вазифамиз бўлиб қолади.

Хусусан, филиалларнинг муддатли ва барқарор ўз ресурс базаларини яратиш бўйича ишларни юридик шахсларнинг бўш пул маблағларини муддатли депозитларга жалб этиш ва улар томонидан депозит сертификатларини реализация қилиниши ҳисобига фаоллаштириш, шунингдек чакана операцияларни ривожлантириш орқали филиаллар даромадларининг манбаларини кенгайтириш кўзда тутилмоқда.

Шу билан бир қаторда, очилган мини-банклар ва бошқа чакана хизмат кўрсатиш шаҳобчаларининг ўз-ўзини оқлашни таъминлаш бўйича ишлар давом эттирилади. Шу мақсадда янги банк хизматларини жорий этиш, маркетинг ва мижозлар билан ишлашни янада фаоллаштириш, ходимларнинг ҳамда мутасадди бўлинмаларнинг меҳнатини рағбатлантиришнинг самарали механизмларини яратиш орқали банкнинг чакана хизмат бўлинмаларининг рентабеллигини юксалтириш кўзда тутилмоқда.

2017 йилда банк хизматларининг корпоратив блокин ривожлантириш ишлари давом эттирилади. Бунда асосий эътибор мавжуд мижозлар билан ўзаро муносабатларнинг интенсивлигини кўтаришга, шунингдек банк филиаллар тармоғини кенгайтириш доирасида янги корпоратив мижозларни жалб этишга қаратилади.

Корпоратив мижозларга хизмат кўрсатишнинг асосий тамойиллари мижозлар учун максимал қулайликларни яратишдан, фақат уларнинг эҳтиёжларини ҳисобга олиб ишлашдан, хизмат кўрсатиш учун сарфланаётган вақтни қисқартиришдан, операцияларни ўтказиш вақтини тезлатишдан, банк операцияларининг хавфсизлигини ва махфийлигини юксак технологиялар ва инновацияларни қўллаш, хусусан мижозларга масофадан туриб хизмат кўрсатиш тадбирларини кенг жорий этиш, шунингдек мулойим тарифларни қўллашдан иборат

2017 йил давомида корпоратив мижозларнинг депозит маблағлари қолдиғини 25 фоизга ўстириш кўзда тутилмоқда.

Чакана мижозларга хизмат кўрсатиш

Чакана фаолиятни ривожлантириш, ажратилаётган истеъмол кредитлари ҳажмини ошириш, банкнинг чакана амалиётларини фаол олиб бориш манбаини шакллантириш учун аҳолининг пул маблағларини жалб этиш, халқаро ва маҳаллий банк карталари билан операцияларни ривожлантириш вазифалари 2017 йилда ҳам устувор аҳамиятини сақлаб қолади. Ривожланган чакана бўғимини яратиш банкка ўз кредит ва депозит операцияларини, фоизли ва комиссия даромадларини диверсификациялаш имконини яратади ва шу орқали молявий тавакалчилик хатарлари пасаяди. Бундан ташқари, чакана хизматлар бўғими чакана операцияларнинг нисбатан даромадли эканлиги билан ҳам истиқболли соҳа ҳисобланади.

2017 йилда чакана хизмат соҳасини ривожлантириш доирасида хизмат кўрсатиш тармоқларини кенгайтириш ва бозорда талаб катта бўлган оммавий маҳсулотлар ва сифатли сервисни ривожлантириш, хусусан омонатларнинг,

кредитларнинг пул ўтказмаларининг ва пластик карта бизнеси соҳасидахи хилматларнинг янги турларини жорий этиш бўйича ишлар давом эттирилади.

Ана шу мақсадда келгуси йилда мижозларга комплекс хизмат кўрсатишнинг замонавий марказларини ташкил этиш, сотувлар каналларини кенгайтириш, мижозларни босқичма-босқич онлайн платформаларига ва ўз-ўзига хизмат кўрсатиш шахобчаларига ўтказиш, талаб кучли бўлган кредит маҳсулотларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш, банк мижозлари учун жозибадор ва ҳамisha очиқ чакана хизмат турларини кўпайтириш, кўрсатилаётган хизматларнинг тезкорлигини ва стандартларга мувофиқлигини ошириш орқали чакана фаолиятни янада ривожлантириш кўзда тутилмоқда.

2017 йилда карточка бизнесини ривожлантириш доирасида Mastercard WorldWide халқаро тўлов тизимига ҳамда GlobUzCard чакана тўлов тизимига аъзо бўлиш, шунингдек қўшимча банкоматлар, савдо терминаллари ва инфокиоскларни ўрнатиш орқали карточкалар билан хизмат кўрсатиш ҳажмини ошириш мўлжалланмоқда. Шунингдек 2014 йилда бошланган хусусий дизайнга эга бўлган пластик карточкаларни чиқариш бўйича ишларни янада фаоллаштириш режалаштирилмоқда. 2017 йилда мазкур типдаги карталарни банкнинг барча минтақавий филиалларида жорий этиш кўзда тутилган.

Банк фаолиятининг устувор йўналишларидан бири электрон тижоратни ривожлантириш ҳисобланади. Шу муносабат билан келгуси йилда банк томонидан жисмоний шахслар учун мобил банкингни ва бошқа мобил иловаларни ишга тушириш, кредит операциялар соҳасидаги фаолиятни кенгайтириш, пластик карталардан фойдаланган ҳолда онлайн тўловларни ўтказиш, ҳисобварақларни бошқариш ва банк ичидаги ҳисобварақлар бўйича пул ўтказмаларини бажариш, ҳисоб-китобларни “ягона веб майдонча” жорий этиш орқали амалга ошириш, ва шу тизим орқали мижозларга авиация ва темир йўл чипталарини харид қилиш, меҳмонхоналарни брон қилиш ва ҳ.к. хизматлар имконини яратиш бўйича бизнес шериклар билан олиб борилаётган ишлар давом эттирилади. Ушбу лойиҳа авиа ва темир йўл чипталарини сотиш, сайёҳлик хизматларини, дам олиш хизматларини кўрсатувчиларни ягона савдо майдонида бирлаштириш имконини беради.

Бундан ташқари, 2017 йилда ижтимоий йўналтирилган банк маҳсулотларининг карточкали тизими (ижтимоий, оилавий, ко-брендингли тижорат карталарини чиқариш, мукофотли, дисконтли ва ҳадяли лойиҳаларни жорий этиш) ва уларнинг аҳоли ўртасида тўловнинг ҳамда пул маблағларини жамғаришнинг қулай ва ишончли воситаси сифатида оммалаштиришга қаратилган хизматлар (турли жамғарма ва кредит маҳсулотларини, пул ўтказмалари тизимларини жорий этиш) жорий этилади.

БИЗНЕСНИ РИВОЖЛАНТИРИШ СОҶАСИДАГИ АСОСИЙ ВАЗИФАЛАР

Банкнинг турғунлигини ошириш ва таваккалчиликни бошқариш тадбирлари

Банк бошқаруви жараёнининг таркибий қисми сифатида таваккалчиликни бошқаришнинг асосий мақсади Банкни стратегик ривожлантириш режаси доирасида унинг барқарор ривожланиб боришини таъминлашдан иборат Таваккалчиликни самарали бошқаришнинг асосий вазифалари қуйидагилар:

омонатчилар, кредиторлар ва акциядорлар ҳуқуқлари ҳимояланишини таъминлаш; Банк учун номақбул ҳодисалар содир бўлганда Банк йўқотишларини бартараф этиш, олдини олиш ва минималлаштириш;

фаолиятнинг барча йўналишлари бўйича таваккалчилик/даромадлилик нисбатини оптималлаштириш;

таваккалчиликни бошқариш тизимини, шу жумладан лимит интизомини ташкил этиш ва такомиллаштириш;

амалдаги Банк молиявий натижаларининг режалаштирилган кўрсаткичлардан фарқини пасайтириш;

рақобатбардошлилик бўйича мавжуд афзалликлар, хусусан мижозлар ишончи ва хизмат кўрсатиш сифати кабилардан самарали фойдаланиш ва б.

Банкда таваккалчиликни бошқариш ўз ичига қуйидагиларни олувчи ташкилий тизим томонидан таъминланади:

Банкнинг тегишли сиёсатни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, шунингдек қарорлар қабул қилиш бўйича масъул бошқарув органлари (Кенгаш ва Бошқарув, Банк таваккалчилигини назорат қилиш қўмитаси, Активлар ва пассивларни бошқариш қўмитаси, Кредит ва Инвестиция қўмиталари);

ваколатлар ва масъулиятни Банкнинг раҳбар органлари ва бўлинмалари ўртасида аниқ тақсимланиши;

таваккалчиликни бошқариш, раҳбарият учун мунтазам ҳисоботларни тайёрлаш, шунингдек Банк таваккалчилигини назорат қилиш қўмитаси ва бошқа амалдаги қўмиталар учун зарур ҳужжатларни, жумладан таваккалчиликни самарали бошқариш бўйича таклифлар лойиҳасини тайёрлаш;

банк таваккалчилигини самарали бошқариш, таваккалчилик даражасини, шу жумладан лимит интизмга риоя этилишини, ликвидлик кўрсаткичларини, капиталнинг адекватлигини ва рентабелликни баҳолаш, мажбурий меёрларнинг бажарилмаслик сабабларини аниқлаш ва кўрсаткичларни энг камида меёрини кўрсаткичларнинг минимумигача кўтариш чораларни белгилаш имконини берувчи ахборот тизими.

Акциядорларнинг ва Банк мижозларининг манфаатларини ҳимоя қилиш, банк таваккалчилигини пасайтириш ва олдини олиш ҳамда банк фаолияти барқарорлигини таъминлаш учун Банкда Банк таваккалчилигини назорат қилиш қўмитаси ташкил этилган. Қўмита ўз фаолияти бўйича бевосита Банк Кенгаши олдида ҳисоботдордир. Банк таваккалчилигини назорат қилиш қўмитасининг асосий вазифаси таваккалчиликнинг банкнинг молиявий ҳолатига таъсирини қузатиб бориш, кредит таваккалчилигини бошқариш сиёсатининг самарали амалга

оширилишини назорат қилиш, таваккалчиликни бошқариш таомилларининг тўлиқ қўлланиши ва самарадорлигига баҳо бериб бориш, Банк томонидан таваккалчилик бўйича қабул қилинган чекловларга амал қилинишини текшириб бориш, шунингдек хатарларнинг олдини олиш бўйича чоралар кўрилишига эришишдан иборат.

Банк таваккалчилиги бошқармаси томонидан доимий равишда банк таваккалчилигини идентификациялаш, мониторинг қилиш, баҳолаш ва бошқариш ишлари олиб борилади, ҳар чорақда молиявий аҳвол ва Банк ликвидлиги стресс-синовдан ўтказилади. Банкка таъсир кўрсатувчи хатарларнинг ниҳоятда ранг-баранглигини ҳисобга олсак, йўқотишлар эҳтимоли даражаси бўйича кредит, бозор, ликвидлик, шунингдек амалиёт таваккалчилиги энг кўп хатарли ҳисобланади.

Банкда таваккалчиликни бошқариш қуйидаги босқичлардан иборат:

банк фаолиятида вужудга келадиган барча турдаги таваккалчиликларни идентификация қилиш;

идентификация қилинган таваккалчиликларни таҳлил қилиш ва баҳолаш, ялпи хатарлар ҳисобини олиб бориш;

стресс синовларни ўтказиш;

хатарга оид операцияларни ўтказиш ёки ўтказмаслик тўғрисида қарорлар қабул қилиш, идентификацияланган таваккалчиликларни чеклаш, эҳтимолий йўқотишлар бўйича заҳира шакллантириш;

таваккалчиликларни бошқариш бўйича ўрнатилган таомилларга ҳамда қабул қилинган таваккалчиликлар даражаси чекловларига риоя этилишини назорат қилиш;

Банк фаолияти натижаларини ҳисобга олинган ҳолда муайян таваккалчилик қабул қилиниши билан боғлиқ равишда ўрнатилган чекловларни доимий мониторинг қилиш ва Банк фаолияти натижаларини ҳисобга олинган ҳолда оптималлаштириш.

2017 йилга банкнинг молиявий барқарорлигини янада мустаҳкамлаш ва таваккалчиликни бошқариш, банк таваккалчиликни бошқариш тизимида ахборот технологияларини ҳамда дастурий таъминотни жорий этиш, кенгайтириш ва фойдаланиш бўйича муайян вазифалар белгилаб олинган.

Ички назорат тизими

Банк томонидан жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши кураш бўйича Ўзбекистон Республикасининг 26.08.2004 йилдаги 660-II сонли "Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида"ги қонунига, бошқа меърий ҳужжатларга мувофиқ зарур чора-тадбирлар кўрилмоқда. Банкда ички назорат тизимининг тўғри ташкил этилиши ва фаолият кўрсатиши учун масъул ҳисобланган Ички назорат бошқармаси фаолият кўрсатиб турибди, банк Кенгаши томонидан жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши кураш бўйича ички қоидалар ишлаб чиқилган ва тасдиқланган.

Келгуси йилда ҳам ички назорат тизимининг самарали ишини ташкил этиш бўйича ишлар давом эттирилади. Ички назорат бўлинмаси ишининг самарадорлигини янада ошириш ишларини давом эттириш, шунингдек автоматлаштирилган тизимнинг IABS ва “Ички назорат” кичик тизимларининг имкониятларини ва таҳлилий салоҳиятини ошириш режалаштирилмоқда. Хусусан, қуйидаги вазифаларни амалга ошириш кўзда тутилган:

SWIFT тизимида Sanctions Screening функциясини жорий этиш, шунингдек амалдаги IABS нинг тегишла функциясини кенгайтириш орқали МВДО рўйхатларида кўрсатилган шахсларнинг операциялари устидан назоратни тўлиқ автоматлаштириш;

“кенгайтирилган қидирув” кичик тизимининг ишини таъсир доирасини кенгайтириш, қидирилаётган шахсларга оид маълумотни киритиш ва натижани чиқариб бериш қулайлигини ошириш орқали янада яхшилаш;

гумонли ва шубҳали операциялар бўйича ҳисоботларни бирлаштириш, гумонли ва шубҳали операцияларни аниқлашга оид ягона ҳисобот шаклини яратиш.

Ахборот технологиялари

Ахборот технологияларини ривожлантиришнинг бош мақсади банкнинг барқарор фаолият иш юритишини ва турғун ривожланиб боришини таъминлай оладиган замонавий АТ-технологиялари тузилмасини яратишдан иборат. Банкда ахборот технологияларини ривожлантириш банкнинг асосий стратегик вазифаларга эришишини таъминлашга, банк ички иш жараёнларининг автоматлаштирилишини сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқиш, банк хизматларини кўрсатишда замонавий АТ-технологияларни жорий этишдан иборат. Банки ривожлантириш стратегиясига мувофиқ ахборот технологияларини банкнинг беқиёс рақобатбардошлигини шакллантиришнинг турғун манбаларидан бирига айлантириш кўзда тутилмоқда.

Банкда ахборот технологияларини ривожлантириш мақсадида 2017 йилга қуйидаги чора-тадбирлар белгиланган:

банкнинг ва филиалларнинг АТ-инфраструктурасини ривожлантириш ва кенгайтириш, хусусан ускуналар паркани янгилаш, таҳлилий тизим учун сервер ускунасини харид қилиш ва ўрнатиш;

банкнинг бизнес жараёнларини такомиллаштириш ва оптималлаштиришга ахборот технологияларини кенг жорий этиш, жумладан банкнинг АБС тизими учун янги дастурий маҳслотларни ва иловаларни ишлаб чиқиш орқали бизнес-бўлинмаларнинг ишини енгиллатиш ва жадаллаштириш, уларнинг банк хизматларини тақдим этишдаги ишчанлик, очиқлик, тезкорлик, хавфсизлик, узлуксизлик сифатларини кучайтириш;

Банк мижозларига хизмат кўрсатиш сифатини кўтариш имконини берадиган “Корпоратив интернет банкинг” ИАБТ ДМ ва “Овердрафт амалиётларини ҳисобга олиш” ДМ дастурий мажмуаси доирасида АТ-ижодкорлари билан “Банк ўтказмаси учун ариза” ва “Конверсия онлайн” лойиҳаларини ишга тушириш бўйича бюджетни ва жорий этиш жадвалини аниқ кўрсатган ҳолда ҳамкорлик қилиш;

Банк веб-сайтини ривожлантириш ва янги йўналишларини жорий этиш, шунингдек унинг замоанвий талабларга жавоб беришини таъминлаш;

банк фаолиятини мониторинг ва башорат қилиш учун таҳлилий тизимни жорий этиш ишларини олиб бориш.

Банк ходимларини камол топтириш

Банк жамоаси банкнинг асосий бойлиги ва рақобатбардошлик афзаллиги ҳисобланади. Ходимларни бошқариш тизимининг асосий мақсади банкнинг интеллектуал капиталини самарали бошқариш ва ривожлантиришдан, мутахассислар командасини банк стратегиясини потимал харажатлар шароитида амалга оширишга қодир бўлган ишчанлик даражасида тутишдан, ходимларнинг хусусий ва банк манфаатларини уйғунлатиришга йўналтирилган касбий салоҳиятларини тўлиқ намоён этишлари учун шарт-шароит яратишдан иборат.

2017 йилда банкининг ходимлар салоҳиятини янада ривожлантириш мақсадида қуйидаги чор-тадбирларни амалга ошириш режалаштирилган;:

- банк Бош офисини ва филиалларини банк соҳасида иш тажрибасига эга бўлган малкали мутахассислар билан ҳам, худди шу каби келгусида ўсиш истиқболига эга бўлган ёш битирувчилар билан ҳам тўлдириб бориш;

- ўқитишнинг янги технологияларини қўллаган ҳолда ходимларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, уларнинг республикадаги йўналтирилган ўқув юртларида таълим олишини, шунингдек турли маҳаллий/халқаро тренингларда, дастурларда, семинарларда иштирок этишини уюштириш;

- банк операцияларига ихтисослашган ўқув марказларида тайёрлаш ва қайта тайёрлаш орқали аудиторларнинг малакасини доимий ошириб бориш;

- касбий билимларни ошириш билан бар қаторда ходимларнинг шахсий хусусиятларини, жамоада аҳил ишлаш сифатларини ривожлантиришга қаратилган тренингларни ташкил этиш ва ўтказиш;

- маркетинг, услубий ишланмалар ва МҲХСни жорий этиш соҳасида ходимлар салоҳиятини ошириш, ушунингдек уларни янги банк хизматларини ривожлантириш ва жори йэтиш ишларига фаол жалб этиш;

- банк фаолиятини умум қабул қилинган халқаро меёрлар ва стандартларга мувофиқ ривожлантириш ва янада такомиллаштиришнинг долзарб масалалари бўйича илмий-амалий конференциялар, семинарлар ва “давра суҳбат”ларини ташкил этиш;

- банкнинг барқарор фаолиятини қўллаб-қувватлашга, унинг нуфузини мустаҳкамлашга ва мижозлар ишончини мустаҳкамлашган хизмат қиладиган корпоратив ахлоқ ва усулни кундалик иш меёрига айлантириш мақсадида Корпоратив этика кодексини жорий этиш;

- қўйилган мақсадларга эришида ва вазифаларни бажаришда пировард натижага интилишни рағбатлантириш учун ҳам моддий ҳам маънавий рағбатлантириш механизмларини такомиллаштириш ва оптималлаштириш.

МОЛИЯВИЙ РЕЖАЛАШТИРИШ

Банк фаолиятининг устувор йўналишларини янада ривожлантириш бўйича белгиланган вазифаларнинг муваффақиятли амалга оширилиши натижасида 2017 йилда асосий молиявий кўрсаткичларнинг барқарор динамиксига эришиш кутилмоқда.

Фаолият миқёсини кенгайтира борар экан, банк ўзи молия бозорида эришган мавқеларни сақлаб қолишга ва кредитлаш ҳамда чакана хизматлар кўрсатиш бозоридаги мавқеини янада мустаҳкамлашга ҳаракат қилади. Айтиш чокда, Банк баланси ва даромадлари тузилмасини сифат жиҳатдан ўзгартиришга алоҳида эътибор ажратилади. Бунда банк фаолияти энг муҳим кўрсаткичларининг халқаро молия институтлари томонидан тавсия этилган ҳамда янги Базель келишувига мувофиқ келадиган оптимал нисбатига эришиш бош вазифамиз этиб белгиланган. Банк операцияларини кенгайтиришда асосий эътибор Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан тавсия этилган банк тизимининг юқори даражадаги молиявий турғунлигини таъминлаш бўйича иқтисодий меёрларни сўзсиз бажаришга қаратилади.

Банкнинг капиталбазаси асосан банк ички манбалари ҳисобига, бошқача айтганда банкнинг соф даромадини капитализация қилиш ҳисобига ўсиб боради. Заем ресурслар базасини шакллантирилиши юридик ва жисмоний шахсларнинг маблағларини жамғармаларга жалб этиш, банкнинг қарзга оид қимматли қўғозларини чиқариш орқали амалга оширилади.

Юқорида келтирилган таомилларни ҳисобга олган ҳолда Бизнес-режага банк фаолиятининг истиқбол кўрсаткичлари илова қилинмоқда.

Бизнес-режада кўзда тутилган тадбирларнинг муваффақиятли бажарилиши учун банк фаолиятининг қуйида келтирилган асосий мақсад ва истиқбол кўрсаткичлари кўзда тутилмоқда. Мазкур мақсад ва истиқбол кўрсаткичлари банкнинг ҳар бир бўлинмаси ва фаолият йўналиши бўйича алоҳида батафсил истиқбол режаларини ишлаб чиқиш орқали амалга оширилади.

ИСТИҚБОЛ БАЛАНСИ (минг сўмда)

Кўрсаткичларнинг номи	01.01.2018 й. ҳолатига
АКТИВЛАР	
Кассадаги нақд пул ва б. тўлов ҳужжатлари	27 129 233
ЎзРМБ даги ва бошқа банклардаги пул маблағлари	528 483 540
Олди-сотди учун инвестициялар ва қимматли қоғозлар	21 040 700
Кредитлар, соф	893 865 078
Бошқа активлар	63 732 765
Жами активлар	1 534 251 316
ПАССИВЛАР	
Жами депозитлар	849 801 901
Бошқа банкларга тўланадиган ҳисобварақлар	60 000 000
Банкнинг қарз қимматли қоғозлари	109 600 000
Бошқа мажбуриятлар	265 287 078
Жами мажбуриятлар	1 284 688 979
Акциядорлик капитали	249 562 337
Устав капитали ва қўшилган капитал	127 547 261
Заҳира капитали	28 564 762
Тақсимланмаган фойда	93 450 314
Жами мажбуриятлар ва капитал	1 534 251 316

ДАРОМАДЛАР ВА ХАРАЖАТЛАР ТЎҒРИСИДА
ИСТИҚБОЛ ҲИСОБОТИ (минг сўмда)

Кўрсаткичларнинг номи	01.01.2018 ҳолатига
Фоиз даромадлари	145 156 538
Фоиз харажатлари	58 937 453
Фоизсиз даромадлар	97 905 513
Фоизсиз харажатлар	33 433 199
Амалиёт харажатлари	77 768 551
Ссуда ва лизинглар бўйича эҳтимолдаги зарар	9 796 794
Даромад солиғини баҳолаш	13 105 082
СОФ ФОЙДА	50 020 972